

ISSN  
2181-2128

2021  
V SON



**"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"**  
илмий электрон журнали

**"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"**  
научно-электронный журнал

**"LOGISTICS AND ECONOMY"**  
scientific-electronic journal

[www.economyjournal.uz](http://www.economyjournal.uz)

<b>Козимжонов А.</b>	Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализация қилишнинг услубий жиҳатдан такомиллаштириш	<b>153</b>
<b>Мадалиев Т.Э.</b>	Банк тариф сиёсатини такомиллаштириш	<b>160</b>
<b>Мамадалиева Х.Х.</b>	Республика ҳудудларида аҳолининг ташқи ва ички миграция даражасини баҳолаш	<b>170</b>
<b>Гулмуродов К.А.</b>	Енгил саноат корхоналарида харажатлар ҳисоби ва таҳлилини оқилона ташкил қилиш ҳамда юриштиш истиқболлари	<b>178</b>
<b>Махмудов А.Н.</b>	Инновацион ёндошув асосида транспорт - логистика хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	<b>186</b>
<b>Мирзаев Қ.Ж.</b>	Логистик корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг услубий асослари	<b>196</b>
<b>Азизкулов Б.Х.</b>	Ўзбекистон суғорма деҳқончилигида сув тарифи ва суғориш сувини етказиб бериш хизмати учун тўловларни ҳисоблаш методологияси	<b>204</b>
<b>Миркасимов Ж.М.</b>	Переход к «зелёной» экономике как путь достижения устойчивого эколого-экономического развития	<b>218</b>
<b>Муминов Ш.Х.</b>	Мамлакатимизда номоддий активлар молиявий ҳисобини МҲҲСлари асосида ташкил этиш масалалари	<b>223</b>
<b>Ниязметова Ё.Б.</b>	Экспорт салоҳиятини оширишда рақамли инфратузилма яратишнинг долзарб масалалари	<b>230</b>
<b>Нурматов О.Т.</b>	Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича операциялар ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш	<b>239</b>
<b>Окмирзаев Д.Д.</b>	Иқтисодий категория сифатида капитал бозорига оид назарий қарашларнинг ривожланиши ва асосий хусусиятлари	<b>257</b>
<b>Ортиков Ҳ.А.</b>	Ўзбекистонда бюджет очиклигини таъминлашни такомиллаштириш йўналишлари	<b>266</b>
<b>Сайдалиев С.С.</b>	Инвестиция лойиҳаларини банк кредитлари ҳисобига молиялаштиришни такомиллаштириш йўллари	<b>275</b>
<b>Самандарова Г.М.</b>	Мол-мулк солиғи ставкаларини белгилашнинг ўзига хос хусусиятлари	<b>286</b>
<b>Сафаров Ғ.А.</b>	Навоий вилоятининг маркетинг стратегияси асосида инвестициявий салоҳиятини ошириш имкониятларининг эконометрик таҳлили	<b>297</b>
<b>Турғунбоев Б.М.</b>	Ўзбекистонда электрон тижорат хизматларини қўшилган қиймат солиғига тортиш масалалари	<b>308</b>
<b>Тўлаков У.Т.</b>	Капиталдан фойдаланиш самарадорлик коэффицентлари таҳлили	<b>317</b>
<b>Турсунов К.Б.</b>	Экологик туризм захираларидан оқилона фойдаланиш муаммолари ва истиқболларини баҳолаш масалалари	<b>322</b>
<b>Уразалиев К.Т.</b>	Майда партияли юкларни етказишни оптимал режалаштириш	<b>329</b>
<b>Усмонов Б.А.</b>	Иқтисодий хавфсизлик даражасига инфляция омили таъсири таҳлили	<b>338</b>
<b>Қодиров А.А.</b>	Взаимосвязь развития человеческого капитала и макроэкономической политики (на примере инфляции)	<b>347</b>
<b>Қўзиёев А.Ў.</b>	Халқаро маркетинг тамойиллари асосида тикув-трикотаж маҳсулотлари бозорини сегментлаш	<b>353</b>
<b>Қурбонов Ш.С.</b>	Мамлакат инвестицион фаоллик ривожланишининг илмий-назарий жиҳатлари	<b>359</b>
<b>Ҳамидова Ф.А.</b>	Молиявий барқарорлик стратегиясини шакллантиришнинг халқаро амалиёт тажрибалари	<b>365</b>
<b>Холбаева С.Р.</b>	Суғурта ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни эмпирик моделлаштириш	<b>373</b>
<b>Хошимов О.А.</b>	Тўлов тизимлари иштирокчилари фаолиятининг таҳлили ва ривожлантириш йўналишлари	<b>384</b>
<b>Хусанов Д.Н.</b>		
<b>Ҳамдамов О.Н.</b>		
<b>Шеннаев Х.М.</b>		
<b>Эрназаров Н.</b>		
<b>Шарипова Н.</b>		



## ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ ЗАХИРАЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ МАСАЛАЛАРИ

**Қодиров А.А.**

Бухоро давлат университети

**Аннотация.** Мақолада бугунги замонавий шароитларда экологик туризмни ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган. Минтақада экологик туризм захираларидан оқилонга фойдаланиш муаммолари ўрганилган. Шунингдек, экологик туризм захираларидан оқилонга фойдаланиш истиқболларини баҳолаш бўйича таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** туризм, захира, экологик туризм, минтақа, туризм захиралари, табиий ҳудудлар, қўриқхона, парк.

## THE ASSESSMENT OF PROBLEMS AND PROSPECTS OF RATIONAL USE OF ECOLOGICAL TOURISM RESOURCES

**Qodirov A.A.**

Bukhara State University

**Annotation.** The article examines the development of eco-tourism in today's modern conditions. The problems of rational use of ecological tourism resources in the region have been studied. There are also suggestions for assessing the prospects for the rational use of ecological tourism resources.

**Key words:** tourism, reserve, ecological tourism, region, tourism reserves, natural areas, nature reserve, park.

### 1. Кириш.

Кейинги йилларда глобаллашув ва халқаро интеграция жараёнларининг чуқурлашуви туризм соҳасининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. XX асрнинг сўнги чорагида халқаро иқтисодий муносабатларда юз берган туб ўзгаришлар натижасида мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Жаҳоннинг турли мамлакатларида иқтисодий тараққиётнинг юксалиши кишиларнинг турли мақсадларда бир мамлакатдан иккинчисига қатнаб туриш кўламининг кенгайишини тақозо этади. Бу еса туризмни миллий иқтисодиётнинг энг истиқболли тармоқларидан бирига айлантирмоқда.

Туризм ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос катализатори сифатида транспорт ва алоқа, савдо, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг бошқа шу каби муҳим секторларининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Бутунжаҳон туристик ташкилоти (UNWTO) бош котиби Зураб Пололикашвилининг таъкидлашича, "Дунё бўйлаб, ҳар қандай ривожланиш даражасидаги мамлакатларда, миллионлаб иш ўринлари ва корхоналар кучли ҳамда ривожланган туризм соҳасига боғлиқдир. Туризм, шунингдек, табиий ва маданий меросни ҳимоя қилишда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, уларни келажак авлодлар баҳраманд қилишлари учун сақлаб қолмоқда"<sup>1</sup>.

Ҳозирда Бутунжаҳон туризм ташкилоти туризмнинг энг истиқболли йўналишлари сифатида саргузашт туризм, денгиз ва сув туризми ва экотуризмни эътироф этмоқда. Бу

<sup>1</sup> <https://www.unwto.org/>

туризм турлари ичида ёш ва истиқболли йўналишлардан бири экотуризм бўлиб, у ривожланиб келаётганлиги ҳамда сердаромадлиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимизда туризмнинг барча турлари каби экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари мавжуд бўлиб, юртимизнинг бетакрор гўзал табиати, ўзига хос ландшафти, хилма-хил ноёб ўсимлик ва хайвонот дунёси, нодир, жаҳоншумул ахамиятига эга бўлган археологик топилмалари, полеонтологик қолдиқлар, ер юзида кам учрайдиган геологик кесимлар, юзлаб табиий ёдгорликлари туризмнинг ушбу турини ривожлантиришга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида (2018) "Мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради дея таъкидлаб ўтиши ҳам юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин далилидир.

Замонавий шароитларда экологик туризмни ривожлантириш тўғридан тўғри асосан миллий қўриқхоналар ва табиий парклардан ташкил топган махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлар (МЭТХ) билан боғлиқлиги ушбу мавзунини янада чуқурроқ тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Хусусан, олимлар Росс ва Воллар (1999) томонидан "Экотуризм эволюцияси" деб номланган мақолаларида таъкидлашларича, "экотуризм табиатни муҳофаза қилишга ва ривожлантиришга кўмаклашиши ҳамда биохилма хиллик, туристик фаолият ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги ижобий синергик ўзаро муносабатларни йўлга қўйиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ушбу фаолиятнинг тегишли тартибда ташкил этилиши ва бошқарилиши билан таъминланади" дея таъриф берган бўлса, Феннэл (2005) экотуризмга табиий туризмнинг мустақкам шакли, асосан ёввойий табиатда ҳаёт кечиш ва уни англашга йўналтирилган, этик меъёрларга мувофиқ ташкил этиладиган, бу эса ўз навбатида табиий атроф муҳитга таъсир қилишни, табиий захиралардан фойдаланишни ва харажатларини камайтиради,- дея изоҳ берган.

Таъкидлаш жоизки, экологик туризм ривожланиши учун катта миқдорда ва турли хил захиралар талаб қилинади. Айнан шу хусусияти туристик фаолиятни ташкил этишга, янги туристик ҳудудларни шакллантиришга ва уларнинг ихтисослигига таъсир қилади.

Захиралар – бу иқтисодий қулайликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган омиллар. Иқтисодий аспектда барча табиий, инсоний ва инсон томонидан яратилган қулайликлар захираларга киритилади, улардан махсулот ва хизмат кўрсатиш учун фойдаланадилар.

Шундай қилиб, экологик туризм захираларига атрофдаги табиий муҳит билан ажралмас боғланган моддий ва маънавий маданият объектларини киритиш мумкин. Ҳозирги вақтда жаҳон амалиётида экологик турлар дастурига тарихий-маданий диққатга сазовор жойларга ташриф буюришни киритиш замонавий тенденцияга айланиб бормоқда.

Бу борада Руденко (2002) таъкидлашича, экологик туризм захираларига фақат тарих ва маданият объектларининг қуйидагилари киритилиши мумкин, улар махсус қўриқланадиган табиий ҳудудларда ва бошқа қизиқарли табиий жойларда ёки улар яқинида жойлашган бўлиши керак, ёхуд туристик зоналарида ҳаммабоп бўлиши лозим.

## **3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида экологик туризмни ривожлантириш аҳамияти, экологик туризм захираларидан фойдаланиш муаммоларини ва истиқболларини баҳолашнинг назарий асослари ўрганилди, миллий ва хорижий амалиётлар таҳлили натижасида экологик туризмни ривожлантиришда захиралардан фойдаланишнинг таҳлили, мавзуга боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, мантиқий фикрлаш, таққослаш илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усуллари билан фойдаланилган.

## **4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган ҳудудлари таркибида 2164 км майдонни эгаллаган 9 та давлат қўриқхонаси, 6061 км майдонни ишғол этган 2 та миллий боғ ва



ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни кўпайтириш Республика маркази ("Жайрон" экомаркази), 12186 км майдонга эга 9 та давлат буюртмаҳоналари мавжуд. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 км, ёки Ўзбекистон ҳудудининг 5,2 % ини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Биохилмахиллик тўғрисидаги Ҳалқаро Конвенциясининг 1995 йилдан бошлаб аъзосидир. Ўзбекистон Республикаси мамлакат ҳудудининг 17% да I-V тоифали муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил қилиш тўғрисида мажбурияти мавжуд. Ҳозирда мазкур тоифали муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мамлакатимиз ҳудудининг 5% нигина ташкил қилади. Давлат кўриқхоналари ва Миллий табиат боғлари ва биосфера резерватларининг кўриқхона зоналарининг умумий майдони мамлакатимиз ҳудудининг атиги 0,5% ташкил қилади холос.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси тасарруфидаги кўриқхоналар ва буюртма кўриқхоналар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (Давлат экология кўмитаси) тизимига ўтказилди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бир неча идоралар тасарруфида бўлган, бу уларни самарали бошқаришни таъминлаш, мазкур соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш имконини бермаган. Кўриқхоналарни давлат томонидан бошқариш тизимини янада ривожлантириш, республика экотизимининг биохилмахиллигини сақлаб қолиш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси тасарруфида бўлган Чотқол биосфера, Зомин, Сурхон, Нурота ва Қизилқум давлат кўриқхоналари, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати Давлат экология кўмитасига ўтказилди.

Қарор билан 2019–2022 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон ҳудудида қуйидаги 5 та янги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этилди:

- «Жанубий Устюрт» давлат кўриқхонаси;
- «Белтов», «Оқпетки» ва «Оқдарё–Қозоқдарё икки дарё оралиғи» давлат буюртма кўриқхоналари;
- «Судочье» давлат буюртма кўриқхонаси негизида «Судочье кўллари тизими» давлат буюртма кўриқхонаси.

Маълумки, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар белгиланган мақсади ва режимига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- давлат кўриқхоналари;
- мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари;
- табиат боғлари;
- давлат табиат ёдгорликлари;
- айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар;
- муҳофаза этиладиган ландшафтлар;
- айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар.
- Қонун ҳужжатларида давлат биосфера резерватлари, миллий боғлар, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш назарда тутилиши мумкин.

Қуйида келтирилган 1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикаимизда 8 хилдаги муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар фаолият юритиб, уларнинг умумий майдони 2075 минг гектарни ташкил этади. Ушбу МЭТХлар ичида энг йирик майдонни Қорақалпоғистон республикасидаги «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонаси ҳисобланади ва унинг майдони 628,3 минг гектарни ташкил этади. Шунингдек ҳудудий майдонлари бўйича кейинги ўринларни 12та буюртма кўриқхоналари (572,4 минг гектар) ва 559,1минг гектар майдонни эгаллаган 5та йирик табиат боғлари ташкил этади.

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар  
тўғрисида маълумот<sup>2</sup>**

1-тоифа МЭТХ Давлат қўриқхоналари		2-тоифа МЭТХ Мажмуа (ландш афт) буюртма қўриқхоналари		3-тоифа МЭТХ Табиат боғлари		4-тоифа МЭТХ Табиат ёдгорликлари		5-тоифа МЭТХ Буюртма қўриқхоналари	
Номи	Майд они минг га	Номи	Майд они минг га	Номи	Майд они минг га	Номи	Майд они га	номи	Майд они минг га
Зомин	26,8	Сайгач ий МБК	628,3	Зомин миллий табиат боғи	24,1	Варданзи	124	Арнасой	63,3
						Мингбулоқ	1000	Денгизкўл	50,0
Нурота	17,8			Угом- Чотқол табиат боғи	506,9	Чуст	96	Каракир	30,0
						Ёзъёвон чўли	1963	Судочье	50,0
Хисор	78,9			Зарафшон миллий табиат боғи	2,4	Акбаробод	39,5	Муборак	264,4
						Зилха	22,2	Октау	15,4
Қизил қум	10,3			Хоразм миллий табиат боғи	21,6	Бўстонбува	8,5	Карнабчуль	25,0
						Янгибозор	470	Қўшработ	16,5
Сурхон	23,8			Китоб геология миллий табиат боғи	3,9	Пайкент	30	Нуробод	40,0
						Варахша	7	Кумсултон	4,9
Чотқол биосфера	24,7	<b>Жами</b>	<b>628,3</b>	<b>Жами</b>	<b>559,1</b>	Урунғоч	43	Хадича	11,3
								Омонкутон	1,5
<b>Жами</b>	<b>182,3</b>					<b>Жами</b>	<b>3803</b>	<b>Жами</b>	<b>572,4</b>
<b>Миллий боғ (га)</b>		<b>Биосфера резерватлари (минг га)</b>		<b>Ихтисослаштирилган питомник (минг га)</b>					
Дўрмон	32,4	Қуйи Амударё биосфера резервати		68,7	Жайрон питомниги		16,5		
		Угам- Чотқолрезервати		42,9					
<b>Жами</b>	<b>32,4</b>	<b>Жами</b>		<b>111, 6</b>	<b>Жами</b>		<b>16,5</b>		

Республикамизда биохилмаҳилликни сақлаш соҳасида қатор қонунлар қабул қилинган, хусусан, "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида", "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида" каби қонунлар шулар жумласидандир.

Расмий маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси қўриқхоналари ҳудудларига бир йилда 200 мингдан ортиқ киши ташриф буюришади, миллий паркларга эса – 800 мингга дан ортиқ.

Келтирилган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, экотуризмни ривожлантириш имконияти тўғридан тўғри махсус қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Улар сарасига ер, сув усти майдонлари ва осмон ҳудудлари, у ерда табиий комплекслар ва объектлар жойлашган, улар махсус табиатни муҳофаза қилиш, илмий, маданий, эстетик, рекреацион ва соғломлаштирувчи аҳамиятга эга. Ушбу ҳудудлар Давлат ҳокимияти қарорларига биноан хўжалик

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси расмий сайтидан олинган маълумот асосида ҳисобланди. <http://www.uznature.uz/>

фойдаланишдан қисман ёки тўлиқ олиб қўйилган, булар учун қўриқлашнинг махсус тартиби ўрнатилган.

Айнан махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлар экологик туризмнинг энг қимматли захираси ҳисобланади. Ҳозирги вақтда махсус қўриқланадиган табиий ҳудудларда экологик туризмни ривожлантириш мақсадида Республика аҳамиятига эга махсус қўриқландаиган табиий ҳудудларнинг тизимини ривожлантириш Концепциясига мувофиқ қўйидагилар амалга оширилмоқда:

- ташриф буюраётганларнинг турли категориялари учун экскурсия дастурлари мажмуини ишлаб чиқиш, шу билан бирга табиий муҳитда ёввойи ҳайвонларни намойиш этишни ташкил этиш;

- экологик йўлакчалар ва туристик маршрутлар, кўриш майдончалари ва ёввойи ҳайвонларни кузатиш жойларини ободонлаштириш;

- ташриф буюрувчилар учун музейлар ва маълумот марказларини яратиш ва замонавийлаштириш;

- табиий экологик тизимларига туризм ривожланишининг негатив таъсирини минималлаштириш йўллари аниқлаш ва рухсат этилган юқори юкларни баҳолаш.

Ҳам табиий, ҳам маданий-тарихий намойиш этиш ноёб объектларига эга бўлиб, махсус қўриқланадиган табиий ҳудудлар йирик туристик марказларни шакллантириш учун асос бўла олиши мумкин. Бу ерда жаҳон тажрибасини инобатга олган ҳолда тегишли туристик инфратузилма (меҳмонхона комплекслари ва б.) асосан махсус қўриқланадиган табиий ҳудудларга чегарадош, қонунчилик томонидан ўрнатилган махсус қўриқлаш тартиби билан боғлиқ чекловлардан озод бўлган майдонларда жойлашиши зарур.

Бироқ Республикада махсус қўриқланадиган табиий ҳудудларнинг анчагина катта сонига қарамасдан, уларда экотуризмни ривожлантиришнинг бир қатор муаммолари мавжуд, бу ерда қўриқхоналар, табиий парклар ва миллий парклар учун муаммолар фарқланади.

Мамлакатимиз қўриқхоналарида экологик туризм соҳасидаги фаолият кескин ривожланмаган. Энг йирик қўриқхоналарига бир йилда юзлаб ташриф буюрувчилар келишади, кичикроқларига эса – бир йилга ўнлаб. Таъкидлаш жоизки, ташриф буюрувчиларнинг асосий қисмини атрофидаги пасионатларга келган дам олувчилар ҳамда табиат музейларига ташриф буюрувчи мактаб ўқувчилари ташкил этадилар. Биринчи навбатда, қўриқланадиган ҳудудларда аниқ экологик маршрутларга ташриф буюриш билан боғлиқ билув экологик туризми амалда ривожланмаган.

Республика миллий парклари ҳудудларида экотуризмни ривожлантириш учун бизнинг фикримизча бир қатор муаммолар мавжуд:

- Миллий парклар ҳудудларида туризмни ривожлантириш учун зарур бўлган инфратузилма йўқлиги;

- Миллий паркларни бошқарадиган, назорати остидаги ҳудудларда туризмни ривожлантириш билан шуғулланмайдиган ўрмон хўжалиги органларининг мавжудлиги;

- Миллий паркда лицензия ва ижара муносабатларини расмийлаштириш тартиби ҳаддан ташқари мураккаб ва бюрократия тўсиқлари мавжудлиги;

Ушбу фаолиятни амалга ошириш учун таклиф қилинган хизматлар Республиканинг тарихий-маданий меросига зарар етказмаслиги ҳамда парклар фаолиятининг белгиланган мақсадларига зид бўлмаслиги лозим.

Миллий паркларни молиялаштириш вилоят ва туманнинг тасарруфида ва бунга мувофиқ ҳудуд ҳокимлик органларнинг уларнинг фаолиятига қизиқишига боғлиқ.

МЭТХлар ва парклар ҳудудларида оқилона чизилган экологик йўлаклар ва маршрутлар ўрнига ташкил этилмаган ҳаракат йўналишлари мавжуд, масалан, ташриф буюрувчилар томонидан мустақил босиб ўтилган йўللар.

Хориждаги МЭТХ ва миллий паркларда экологик туризмнинг ажралмас ва талаб катта бўлган элементларидан бири –туристларга ёввойи ҳайвонларни табиий яшаш шароитида намойиш этиш. Ўзбекистон Республикасида давлат даражасида ушбу ҳудудларни ривожлантириш ва бошқариш билан шуғулланадиган, Канада, АҚШ, Жанубий Африканинг миллий парклари хизматлари каби ихтисослашган хизмат мавжуд эмас.

Республикамизнинг экотуризм имкониятлари ниҳоятда катта ҳамда салоҳияти бўйича дунё экотуризм индустриясида юқори ўринларни эгалласа-да, лекин

Ўзбекистонда бу салоҳият ва имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш учун етарлича чора ва тадбирлар амалга оширилган эмас.

Экотуризм Республикамизнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида, нафақат ҳорижий саёҳларни, балки мамлакатимизнинг ландшафти, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига бой ва бетакрор табиати билан таништиришни, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини боғлаш, мамлакатлар ва турли халқларнинг бир-бирини кенгроқ билиш, қирилиб кетиш арафасида турган ноёб ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаш ва кўпайтириш мақсадида қўриқхоналар (Сурхон, Нурота, Ҳисор, Бадай-Тўқай, Зарафшон, Қизилқум, Чотқол, Зомин, Китоб), парваришхоналар (Жайрон "Экомаркази", Сайхун хўжалиги) таркибида ва атрофида дунё талабларига жавоб бера оладиган миллий табиий боғларни яратиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш орқали муҳофаза қилинадиган ҳудудларда экотуризм объектларининг моддий-техник базасини яратиш учун қўшимча чет эл инвестицияларини жалб этишни долзарб вазифа сифатида белгилайди.

## **5. Хулоса ва таклифлар.**

Мамлакатимизнинг МЭТХлар ҳудудларида экологик туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий сабабларга қуйидаги иқтисодий ва ташкилий муаммоларни киритиш мумкин:

-Республика МЭТХларида экологик саёҳатларнинг мақсадли дастурларини шакллантириш бўйича масалаларни ишлаб чиқиш учун ташкил этиладиган экомарказларни молиялаштиришнинг йўқлиги;

-МЭТХ ҳудудларида мавжуд бўлган экологик туризмнинг объектларига эътиборни қаратишга йўналтирилган реклама компанияларни молиялаштиришнинг йўқлиги;

-Экотуризм инфратузилмасига инвестицияларнинг йўқлиги;

-Туристлар томонидан МЭТХ қисмларига ташриф буюриш учун бюрократик тақиқлар ва чекловлар мавжудлиги, буларнинг сабаби – МЭТХ маъмурияти ва экологик туризм ташкилотчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмнинг йўқлиги;

-Туристлар учун хордиқ чиқариш ва рекреацион хизматлар кўламининг кичиклиги;

Бундан ташқари, муҳим омиллардан бири экологик турларни ташкил этиш ва ўтказишда иштирок этиш учун ҳам МЭТХ маъмурияти ҳамда МЭТХ ҳудудлари билан чегарадош ҳудудлар истиқомат қилаётган аҳолининг психологик жиҳатдан тайёр эмаслиги.

Ўзбекистон Республикасининг МЭТХларида экологик туризмни ривожлантиришга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда МЭТХ маъмурияти, маҳаллий аҳоли ва манфаатдор турфирмалар ўртасида туризмни бошқариш ва ривожлантириш бўйича ҳаракатларни мувофиқлаштириш механизмнинг йўқлиги тўсқинлик қилмоқда, бу эса экотуризмни ривожлантиришни режалаштириш ва бошқариш жараёнларига таъсир қилмоқда.

Экспертлар таъкидлашича, МЭТХларда экологик туризмни ривожлантириш учун зарур бўлган инфратузилма йўқлиги масалаларини қўриб чиқиб, айтиш мумкинки, Республикада миллий парклар ва қўриқхоналар ҳудудларида шу каби туристик инфратузилма географик жиҳатдан тенг тақсимланмаган. Мавжуд бўлган инфратузилма объектларининг умумий миқдори қониқарсиз ҳамда уларнинг истеъмолчи хусусиятлари ҳам. Бу эса туристлар учун Республика миллий паркларини бир қатор ривожланган давлатлар миллий парклари билан таққослаганда рақобатбардош эмас ва қизиқарсиз қилиб қўяди.

Шунингдек, ушбу соҳада келишув маданиятининг йўқлиги мавжуд, бу эса миллий парклар томонидан туристик фаолиятни ва ўз ҳудудларидаги бошқа хўжалик субъектларни тартибга солиш имкониятининг пасайишига бевосита таъсир қилади.

Бир томондан, миллий паркларга туризм ва тартибга солинган дам олиш учун шароитлар яратиш бўйича масалаларни амалга ошириш учун давлат бюджетдан маблағ ажратилмайди. Бошқа томондан, Республика миллий қўриқхона ўз ҳудудларидаги туризмдан кичик даромад оладилар, бу эса, ўз навбатида миллий парклар ва қўриқхоналарнинг ўз ҳудудларини ривожлантириш масалаларида имкониятларини чеклашига олиб келади.



Инвестиция ва қўшимча маблағларни жалб қилиш асосий механизмлари ўртасида қуйидагиларни белгилаш мумкин: МЭТХ ҳудудидаги ер майдонлари, бинолар ва бошқа объектларни ижарага бериш; фандрейзинг захираларни қидириш, хайрия йиғиш ва ҳ.; Юқорида келтирилган барча механизмлардан МЭТХ маъмурияти самарали фойдаланмайди.

Бу ерда, МЭТХ ҳудудларида экологик туризмни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларнинг самарали амалга оширилиши миллий паркларнинг ташкилий ва штат тузилмасида инobatга олинмаган.

Маҳаллий захиралар ва имкониятлар ҳисобидан экологик туризмни ривожлантириш қишлоқ ҳудудларидаги аҳолининг паст тадбиркорлик фаоллиги туфайли сусаяди, ҳамда аҳолида бошланғич тадбиркорлик капиталининг йўқлиги ҳам шулар сарасидан.

МЭТХ давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва МЭТХда экологик туризмни ривожлантириш бўйича юқорида келтирилган чора-тадбирларни бажариш Республикада экологик туризмга истеъмолчилар талабини янги даражага чиқариши, кириш туризмнинг ички бозорида сифатли ўзгаришларга кўмаклашиши, ҳамда табиатни муҳофаза қилиш фаолияти кўрсаткичларига ижобий ўзгаришларни киритиб, аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришга кўмаклашиши мумкин.

#### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Fennel, D. (2005) The Ecotourism Concept and Tourism-Conservation Symbiosis / D. Fennel // Journal of Sustainable Tourism, P. 373–390.

Ross, S., & Wall, G. (1999). Evaluating ecotourism: The case of North Sulawesi, Indonesia. Tourism Management in press.

Мурожаатнома (2018) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / Address (2018) Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. <http://parliament.gov.uz/64465777.PNG>

Руденко, И. (2002) Природное наследие и экологический туризм [Текст] // Вестник «Зеленое спасение», выпуск 14. «Всемирное наследие», Казахстан, Алма-Ата, С.196. / Rudenko, I. (2002) Natural heritage and ecological tourism [Text] // Bulletin "Green Salvation", issue 14. "World Heritage", Kazakhstan, Alma-Ata, p.196.